

**Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги
Фавқулодда ва Мухтор элчиси
Ҳамид Наййирободий жанобларининг
Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги
«Дунё» ахборот агентлиги
саволларига берган жавоблари**

**1. Ўзбекистондаги фаолиятингизни бошлашдан аввал
мамлакатимиз ҳақидаги тассавурингиз ҳақида айтиб берсангиз.**

Эрон ва Ўзбекистоннинг буюк тарихи, маданияти ва цивилизацияси барчага маълум бўлиб, фахр-ифтихор туйғусини уйғотади. Эрон ва Ўзбекистон ўртасидаги тарихий, маданий ва адабий муштаракликлар ушбу икки мамлакат цивилизацияларини бир-бирига шунчалик қоиштириб юборганки, уни ягона бир маданият деб билиш мумкин. Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Насаф, Фарғона ва Тошкент шаҳарлари Эрон халқи ва маданияти учун қанчалик яқин ва азиз бўлса, Эроннинг Машҳад, Сабзавор, Исфаҳон, Рай, Техрон, Табриз, Шероз, Нишопур ва Кермон каби кўплаб шаҳарлари ҳам ҳар бир ўзбекистонлик учун шунчалик таниш ва қадрлидир. Самарқанд, Бухоро ва Хоразмдаги тарихий обидалар ва ёдгорликларни кўрган ҳар бир кишининг ёдига Исфаҳон, Шероз, Табриз ва Машҳад шаҳарлари меъморчилик санъати асарлари келади. Бундан ташқари, инсоният цивилизацияси тараққиётига ҳисса қўшган кўплаб шоирлар ва ёзувчилар, олимлар ва сўфиylар, математиклар ва астрономлар худди мана шу шаҳарларда дунёга келиб, камолга етганлар. Уларнинг номлари абадулабад икки халқнинг мустаҳкам дўстлги ва бирдамлигининг рамзи бўлиб қолади. Дарвоҷе, жаҳон мамлакатлари орасида Эрон ва Ўзбекистон каби бир-бирига шунчалик ўхшаш ва яқин бўлган бошқа икки мамлакатни топиб бўлмаса керак.

2. Ўзбекистон Президентига ишонч ёрликларини топшириш давомида Ўзбекистон-Эрон ҳамкорлигини янада ривожлантириш бўйича таъкидланган масалаларни ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида қандай саъ-ҳаракатларни амалга ошироқчисиз?

Ўзбекистон Республикасининг муҳтарам Президенти Шавкат Мирзиёев жаноби олийлари мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг улкан салоҳияти мавжуд эканлигига тўхталиб, савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги ва

транспорт соҳаларидаги ҳамкорлик имкониятларини бунга мисол сифатида эслатиб ўтдилар.

Кувонарлиси шундаки, сўнгги йилларда икки томонлама савдо алоқаларининг юқори суръатлардаги ривожланиши кузатилмоқда. Коронавирус пандемияси туфайли охирги бир неча ой давомида ушбу соҳада вужудга келган айрим муаммолар тез орада ўз ечимини топади, деб умид қиласман.

Икки мамлакат ўртасидаги товарлар экспорти ва импорти ҳажмини ошириш учун имконият яратадиган Савдо имтиёзлари тўғрисидаги битим лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишларни ниҳоясига етказиш савдо алоқаларини ривожлантириш йўлида амалга оширилиши кўзда тутилган чоратадбирлардан бири ҳисобланади. Ўтган йили икки мамлакат тадбиркорлари иштирокида бўлиб ўтган бизнес-форум доирасида амалга оширилган самарали музокаралар якунида қатор шартномалар имзоланди. Биз муайян келишувлар билан ниҳоясига етадиган бундай учрашувларнинг тез-тез ўтказилиб туриши тарафдоримиз. Шунга кўра бизнинг элчихонамиз икки мамлакатнинг турли соҳаларда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлари ўртасидаги алоқаларни осонлаштириш йўлида саъй-ҳаракатлар қилмоқдамиз ва бизнинг бу борадаги қароримиз қатъий. Икки мамлакат вилоятлари ва Эркин иқтисодий зоналари ўртасидаги ҳамкорликнинг улкан салоҳиятини ишга солиш, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг зарурӣ ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳам икки давлат ўртасидаги савдо алоқалари учун қулай шароитлар яратиш ҳамда ўзаро савдо айрибошлиш ҳажмини ошириш йўлидаги устувор вазифаларимиз ва режаларимиздан ҳисобланади.

Транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ҳам ўзаро савдо ҳажмининг ошишига ёрдам беради. Бахтимизга бундан бир неча ой олдин Техрон ва Тошкент ўртасида тўғридан-тўғри авиақатнов йўлга қўйилди. Албатта, коронавирус инфекцияси тарқалиши муносабати билан вақтинчалик тўхтаб қолган мазкур мунтазам авиақатнов ҳозирда чартер авиақатновлар кўринишида амалга оширилмоқда. Биз коронавирус пандемияси туфайли юзага келган ушбу қийинчиликлар тез орада тугаб, мамлакатларимиз ўртасидаги мунтазам авиақатновлар қайтадан бошланишига умид қиласмиз. Эрон томони мазкур авиақатновлар сонини қўпайтиришга тайёрлигини билдиради.

Эрон Ўзбекистоннинг очик денгизга чиқиши учун энг қисқа ва энг қулай йўл бўлиб, яқин келажакда янги темир йўл тармоқларининг қурилиши натижасида мамлакатингизнинг Эрон портларига ва шу орқали очик денгизга чиқиш имкониятларида янада кенгаяди. Икки давлат раҳбарлари бу масалага катта эътибор беришмоқда. Транспорт йўлакларини фаоллаштириш,

жумладан, Ашхобод битимини амалга ошириш, Ўзбекистоннинг Афғонистон ҳудуди орқали Эрон жанубий портларига чиқишини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон товарларини экспорт қилиш учун Эроннинг шимолий портлари имкониятларидан фойдаланиш кун тартибида турган масалалардан ҳисобланади.

Эрон техник-муҳандислик хизматлари кўрсатиш соҳасида катта тажрибага эга бўлиб, ҳозирги кунда Эрон компаниялари бу йўналишда ҳам кент фаолият кўрсатмоқдалар. Ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётни модернизация қилиш томон ҳаракат қилмоқда. Эрон томони эса Ўзбекистондаги иқтисодий ва саноат лойиҳалари, жумладан нефтни ва газни қайта ишлаш корхоналари, гидроэлектр станциялари ва йўллар қуришда, нефтехимия, йўл қурилиши ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларни амалга оширишда ҳамкорлик қилишга юқори даражада тайёрлигини маълум қиласди.

Бундан ташқари биз турли мамлакатларда мамлакатимиз эҳтиёжлари учун хорижда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни амалга ошириб келмоқдамиз ва Ўзбекистонда ҳам шундай лойиҳаларни амалга оширишга тайёрмиз. Эрон, шунингдек, сув жониворлари етиштириш (аквакултура), паррандачилик, иссиқхоналар қуриш ва иссиқхона маҳсулотлари етиштириш соҳаларида ҳам катта салоҳиятга эга. Булар эса икки мамлакат ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик учун жудаям яхши йўналишлардан ҳисобланади. Ҳозирги кунда эронлик фермерлар Ўзбекистонда ижарага олинган ерларда турли қишлоқ хўжалиги ва боғдорчилик маҳсулотлари етиштириш соҳасида ҳам фаолият кўрсатмоқдалар.

Эрон ва Ўзбекистон ўртасида икки давлатнинг ҳамда минтақанинг барқарорлиги ва хавфсизлигини сақлаш мақсадида хавфсизлик соҳасидаги мулоқот ўрнатилган. Бундан ташқари мамлакатларимиз ўртасида бизга қўшни Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш соҳасида ҳам фаол ва конструктив ҳамкорлик мавжуд. Бизнинг фикримизча, минтақавий масалаларни ўзаро маслаҳатлашувлар орқали ҳамда минтақавий тузилмалар доирасида минтақадаги барча давлатлар иштирокида энг яхши тарзда муҳокама қилиш мумкин.

3. Ўзбекистон ва Эрон ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун улкан салоҳият мавжуд. Мамлакамиздаги фаолиятингиз давомида ушбу салоҳиятдан тўлақонли фойдаланиш борасидаги режаларингиз билан ўртоқлашсангиз.

Бож ставкаларини камайтириш ва божхона тўсиқларини олиб ташлаш томон ҳаракат қилиш, транспорт лойиҳаларини амалга оширишни тезлаштириш, икки мамлакат ўртасидаги авиақатновлар сонини кўпайтириш,

сайёхлик соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш, икки мамлакат фуқаролари учун визаларни бекор қилиш, турли бизнес-тадбирлар, жумладан видеоконференция шаклидаги мулоқотлар ташкиллаштириш орқали мамлакатларимиз тадбиркорлари ўртасидаги алоқалар учун кўпроқ имкониятлар яратиш, техник-муҳандислик хизматлари, тиббиёт ва янги технологиялар соҳаларидағи ҳамкорликни кенгайтириш икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ҳар томонлама ривожланишига ёрдам берадиган режалар жумласига киради.

4. Ўзбекистон Эронга экспорт ҳажмини ошириш бўйича янги базорларни топишда маҳаллий тадбиркорларга қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?

Саксон миллион нафар аҳолига эга бўлган Эроннинг улкан бозори жаҳоннинг барча давлатлари тадбиркорлари эътибори ва қизиқишини ўзига тортади. Ўзбекистонда турли соҳаларда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Эронлик тадбиркорлар билан алоқаларнинг кенгайиши ўзбек тадбиркорларига бу соҳада ёрдам беради. Эронда ишлаб чиқариладиган ва жаҳон бозоридаги рақобатда нисбий устунликка эга бўлган нефть ва нефть маҳсулотлари, беҳисоб ва ўхшаши йўқ цитрус мевалари, асбоб-ускуналар, оралиқ товарлар ва бошқа маҳсулотлар импорт товарлари сифатида ўзбекистонлик тадбиркорларнинг диққатини ўзига торта олади. Айтиб ўтиш мумкинки, Эрон Ислом Республикасининг экспорт-импорт операциялари ҳамда муайян импорт маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи тўғрисида маълумот берувчи ресурслар мавжуд бўлиб, бу тўғрида маълумот олиш учун ўша ресурсларга мурожаат қилиш мумкин.

Икки давлат ҳукуматлари томонидан бож ставкаларини камайтириш, божхона тўсиқларини олиб ташлаш ҳамда транспорт-коммуникация соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш ҳам ўзаро муносабатлар ривожига хизмат қилувчи омиллардан ҳисобланади.

5. Мамлакатларимизни узоқ тарихий ришталар боғлаб туради. Айтингчи, Эронда Ўзбекистон тарихи билан боғлиқ биз билмаган қандай янгилик бор?

Эрон ва Ўзбекистон халқлари минглаб йиллар давомида биргаликда тинч-тотув яшаш, дўстлик ва биродарлик ҳамда ҳамкорлик тажрибасига эгадирлар. Бизнинг ўтмишимиз бир-биридан айро эмас ва шубҳасиз, келажагимиз ҳам бир-бирига қўшилиб кетган. Ушбу икки мамлакатдан ҳар

биридаги тинчлик ва тараққиёт уларнинг иккинчисининг манфаатлариға хихмат қиласди.

Эрон халқининг Ўзбекистон ва унинг тарихий шаҳарлариға бўлган қизиқиши катта. Шубҳасиз, ўзаро муносабатлар учун имкониятлар кенгайтирилган ва виза процедуралари енгиллаштирилган тақдирда мамлакатларимиз ўртасида туризмнинг мисли кўрилмаган даражада ривожланишининг гувоҳи бўламиз. Ҳар йили миллионлаб эронликлар туристик мақсадларда жаҳоннинг турли мамлакатлариға сафар қиласдилар. Шунга кўра, Ўзбекистон ҳам эронлик туристлар сафар қиласдиган муҳим жойлардан бирига айланиши мумкин. Шунингдек, Эрон томони ўзбекистонлик туристларни кутиб олишга, уларни ўзининг қадимий шаҳарлари ва ўхшаши йўқ табиати бағрида меҳмон қилишга тўла тайёр эканлигини маълум қиласди.

Бахтимизга, бугунги кунга келиб жаҳон халқлари оммавий ахборот воситалари ёрдамида бошқа халқлар маданияти, одоблари ва урф-одатлари тўғрисида кенг маълумотга эгадирлар. Бизнинг элчиҳонамиз ҳам ўзбек ёзувчиларининг айрим машҳур асарларини форс тилига ўгириш устида ишлар олиб бормоқда. Мазкур таржималар ҳам бу йўналишда катта фойда бера олади.

Биз бир-биrimiz тўғrimizda қанчалик кўп маълумотга эга бўлсак, икки халқнинг бир-бирига ўхаш ва яқин томонларини шунчалик кўп англаб этамиз. Икки мамлакат фуқаролари ва мутафаккирларининг ўзаро борди-келдилари кундан кунга кўпайиб, худди узоқ ўтмишда бўлгани каби инсоният маданияти ва цивилизациясига икки халқ учун муштарак бўлган янги буюк алломаларни тухфа этамиз, деб умид қиласман.